

**ХАЛҚАРО СТАТИСТИКАДА ЮНЕСКО ТАВСИЯСИГА КЎРА, ҲАЖМИ 48
САҲИФАДАН КАМ БЎЛМАГАН, ТАБОҚЛАБ ТИКИЛГАН НОДАВРИЙ НАШРНИ,
ШАРТЛИ РАВИШДА, КИТОБ ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.**

С. Саматова

*Касби туман ахборот-кутубхона маркази фойдаланувчиларга хизмат
кўрсатиш хизмати кутубхоначиси*

Китобнинг инсон ҳаёти, кишилиқ жамияти маънавий тараққиётидаги беқиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғусини пайдо қилади.

Китоб мутолаа қилиш, изланиш каби фазилатлар инсонни юксак маънавиятли қилиб тарбиялайди.

Маънавий баркамолликка етаклайди. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, энг муҳими, фарзандларимизда ёшлиқ чоғидан бошлаб китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритишга ундайди. Маънавиятимиз сарчашмаси маърифат қуёши дунё таниган ва тан олган не-не алома-ю донишмандларнинг устози ҳам китобдир. Китоб ҳақида жуда кўп ҳикматлар айтилган, уни илм уммони тафаккур қанотига ўхшатишади. Ёшлиқдан китобга меҳр қўйган киши юксак- юксакларга парвоз этади.

Дарҳақиқат китоб буюк куч бахт ва истиқбол йўлида одамзот яратган мўъжизадир, китоб нур ва зиё тарқатувчи инсонни камолотга етакловчи энг асосий манбадир. Китобларни тарғиб қилиш орқали китобхоннинг маънавий дунёсини бойитиш, соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, уларнинг қалбида ватанпарлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятни шакллантиради. Китоб инсоннинг маънавий дунёсини шакллантириш ва ахлоқий қиёфасини белгилашда самарали таъсир кўрсатувчи санъат туридир.

Китоб маънавият ва маърифат кўзгуси сифатида инсон калбини, руҳини бойитадиган манба ҳисобланади. Китоб инсоният ижодининг энг сара маҳсули, аждодлардан қолган бебаҳо меросдир. Донолар китоб, китобхонлик хақида фикр билдирар экан, адабиётлар билан ошно қалбга ҳеч қачон ёмонлик ин қурмаслигини таъкидлашади.

Китоб - абадий мўъжиза, ундан ҳайратланмоқ ва унга ишонмоқ зарур. Азалдан ота- боболаримиз фарзандларига эртак ва дostonлардан ўқиб бериб мардлик, жасорат каби фазилатларни уқтириб улғайтиришган.

Ўтган замонда, бир подшо вазиру уламоларини ёнига чақириб, уларга: - «Дунёда энг зўр, керакли ва ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нима?» - деган саволни берибди. Уламоларнинг бири қилич деса, иккинчиси ҳамма нарсадан хабар берувчи нарса - ойнаи жаҳон, дебди. - Уч кун муҳлат бераман, - дебди уламоларининг жавобидан дарғазабланиб, подшо. Қўшни подшоликда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшар экан. Вазир подшонинг саволига шу донишманд жавоб бёра олишига ақли етибди ва уни излаб топибди. Унга подшонинг саволини айтибди. Донишманд ҳеч иккиланмай: «Китоб Чунки китоб билим беради. Дунёдаги энг қудратли нарса эса билимдир», - дебди Донишманднинг вазирга берган жавоби подшога маъқул тушибди.

Китоб ҳақида ҳар қанча гапириш, унинг қудрати, илм ва тафаккур чироғи экан, биз уни келгуси авлодлар учун кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашимиз керак. Дунёда ҳамма нарса эскиради, оҳорини йўқотади. Лекин китоблардан олган таассуротларимиз қалбимизнинг гўзал обидасига айланади. Бу обидалар ҳеч қачон нурамайди, қуламайди. Китоб бизга зулматда машъала, ёлғизликда ҳамроҳ, дард-алам чеканимизда малҳам, йўл кўрсатувчи устоз, ҳаётнинг таскинбахш неъматидир. Инсоннинг ақл-заковати ва билимларини сақлаш ва кенг ёйишнинг энг мукамал воситаси бўлган китоб инсоннинг ҳар томонлама юксалишига ва ижтимоий тараққиётига ёрдам бериб келган, бундан кейин ҳам ёрдам бераверади.